

ТИЛШУНОСЛАРНИНГ ОЛМОШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ МУЛОҲАЗАЛАРИ
(ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА)

Турдиев Ислон Нармаматович

Жиззах Давлат Педагогика Университети

Рус тили ва адабиёти факултети 4-курс талабаси

Укитувчи: Ярмадова Дилрабо

Аннотация: Жаҳон тилшунослигида олмошлар муаммосига, уларнинг қардош бўлмаган инглиз ва ўзбек тиллари тизимидаги таснифига бағишланади. Ҳар иккала тилда олмошларнинг морфолагик категориялари, сон, келишик, эгалик кабилараниқланиб жадвал асосида ёритиб берилади.

Калит сўзлар: Синтаксема, моделлаштириш таснифи, синтактик таҳлил, категория, синтактик вазифа, грамматика.

Кириш: Ҳозирги замон тилшунослигида шахснинг нутқий фаолияти ва оламнинг лисоний манзарасини тасвирлаш ҳамда танланган объектни лингвистик методлар асосида тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис, ушбу мақолада инглиз ва ўзбек тиллари гап қурилмаларида ноаниқ олмошлар ёрдамида ноаниқлик категориясининг қардош бўлмаган тиллар тизимида қиёсий функционал таҳлили ҳамда ҳодисаларнинг онтологик моҳиятини аниқлаш, уларнинг тилларга муносабатини ўрганишмуаммоларини ечишга ҳаракат қилдим. Жаҳон тилшунослигида ноаниқ олмошларнинг таснифи ҳамда анъанавий грамматикаларда уларнинг синтактик вазифаларини аниқлашга доир бир қатор илмий тадқиқодлар амалга оширилган бўлсада, бу олмошларни таснифлашда тилшуносларнинг турлича мулоҳазалари мавжудлиги, бу борада уларнинг бир тўхтамга келмаганлиги кузатилади.

Инглиз ва ўзбек тиллари олмошлари масаласида Л.П.Винокурова, Б.Н.Зигатло, Ч.П.Иванова, М.Миртожиев, Г.А.Абдуллаев ва С.М.Муталлибов каби тилшунос олимлар ўз илмий асарларида қуйидаги фикрларни баён етган: А.П.Винокурова инглиз тилида олмошларни ўн бир турга ажратди:

1. Кишилик олмошлари (personal pronouns): I, he, she, it, we, you, they.
2. Эгалик олмошлари (Possessive pronouns): my-mine, his-his, her-hers, it-its, our-ours, your-yours, their-theirs.
3. Ўзлик олмошлари (Reflexive pronouns): myself, yourself, himself, herself, itself, ourselves, yourselves, themselves.
4. Кучайтирувчи олмошлар (their Emphosising pronouns): бу олмошлар шаклан ўзлик олмошига ўхшайди.
5. Биргалик олмошлари (Reciprocal pronouns): each, other, one, another.
6. Кўрсатиш олмошлари (Demonstrative pronouns) : this, these, that, those, such, the same.

7. Ноаниқ олмошлар (Indefinite pronouns): one, each, every, all, either, both, other, another, some, any, everybody, someone, anything, much, many, (a) little, (a) few ва ҳоказолар.

8. Сўроқ олмошлари (Interrogative pronouns): who, whom, what ? ...

9. Нисбий олмошлар (Relative pronouns): who, whose, whom, which, what.

10. Бириктирувчи олмошлар (Conjunctive pronouns): who, whose, whom, which, what.

11. Инкор олмошлар (Negative pronouns): no, neither, no one, no body, nothing, none...

В.Н. Зигадло, И.Ф. Ивановна ва И.Л.Лофиклар эса олмошларнинг ўн уч (13) турини аниқлайди.

Кишилиқ, эгалиқ, ўзлиқ, кучайтирувчи, сўроқ, нисбий, кўрсатиш, биргалиқ, ноаниқ, умумлаштирувчи-all, everybody, everything, both, every each, either, инкор олмоши, ноаниқ, кишилиқ, one, умумлашган-кишилиқ олмоши-one: ажратувчи-others, another.

Э.М.Гордон, У.П.Криловларнинг фикрича ҳозирги замон инглиз тилида тўққизта олмош мавжуд: кишилиқ, эгалиқ, ўзлиқ, кучайтирувчи, кўрсатиш, ноаниқ, биргалиқ, сўроқ, бириктирувчи кабилар.

Ўзбек тилида олмошлар ҳақида М.Миртожиев қуйидагича изоҳлайди.1)кишилиқ 2) ўзлиқ 3) кўрсатиш 4) сўроқ 5) белгилаш 6) гумон 7) бўлишсизлик олмошларига ажратган.

Ф.А.Абдуллаев ҳам олмошларни ҳудди шу тартибда изоҳлайди ва ҳозирги ўзбек тили морфологиясида ҳозир ҳамолмошлар етти турга бўлинади.

Хулоса:Бир оилага мансуб бўлмаган тилларнинг ҳозирги замон грамматикасида тилшуносларнинг олмошларни турли туманлиги хақидаги фикрлари номутаносиблиги аниқланди. Аммо, бу номутаносиблик тилларнинг ривожланишига ижобий таъсир килишини алоҳида таъкидлаб утмокчиман.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абдуллаев Ф.А. “Ўзбек тилининг лаҳчаси” Фан Тошкент “ 1978-144 в.
- 2.Винокурова Л.П. “Грамматика английского язык Ленинградское отделение, Ленинград-1954-344.
- 3.ЖигадлоВ.Н. Ивоновна- “Современный язык”Изд-во литературе на инастранных языках. Москва 1974-350
4. Муталибов С.М. – “Морфология ва лексика тарихидан” Ўзбекистон фанлар академияси нашриёти Тошкент 1959-240.
5. Миртожиев М. – “Ҳозирги ўзбек тили”, “Ўқитувчи” нашриёти 1992.
- 6.D. Yarmatova-“VOCABULARY LEARNING IN ENGLISH AS A SECOND LANGUAGE IN THE FIRST CYCLE” Multidisciplinary research- March 2023

7. D. Yramatova - Student's independent work in study foreign languages in the university Science and world N 5, 2020. Volume-2

8. Kamilova, T. (2020). The concept of the cultural component of meaning. Архив Научных Публикаций JSPI.

9. Kamilova, T. (2020). About linguistic reconstruction. Архив Научных Публикаций JSPI, 1-240.

10. Kamilova, T. (2020). Talabalarining chet tillarni o'rganishga bo'lgan qiziqishlarini orttirishga doir. Архив Научных Публикаций JSPI.

11. Kamilova, T. (2020). К вопросу отбора материалов при обучении иностранному языку. Архив Научных Публикаций JSPI.